



ТОШКЕНТ



Дом олиш
сонида:

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 70 (9.262) 1999 йил 18 июнь, жума

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олмалик тоғ-металлургия комбинати ташкил топган куннинг 50 йиллиги муносабати билан комбинат жамоасига табрик хати йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг алоҳида ўрнатилган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Фармон берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида кеча Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида таширф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелдаги Қарорига мувофиқ Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан парламент ҳузуринда Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш комиссияси тузилди ва унинг Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида бўлиб ўтган семинар Европа Иттифоқи комиссияси ИНТАС ва ИНКО — Коперникус халқаро ташкилотларининг янги танловлари билан таништиришга бағишланди.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги «Меросфильм» студиясида буюк муҳаддис ат-Термизий ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳаким ат-Термизий» фильми яратилди.

Хоразм вилоятидаги барча шаҳар ва қишлоқлардан 510 нафар ўғил ва қиз болалар дам олиш учун Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги тоғларда жойлашган лагерларга жўнаб кетдилар.

Италиянинг «Педрини» фирмаси дастгоҳлари «Фозгон мрамар» корхонасига ўрнатилди. Бу — Тошкент, Нукус, Бухородаги мрамарга қайта ишлов берувчи корхоналардан кейинги мамлакатимиздаги тўртинчи иншоотдир.



ЖАҲОНДА

Бир ой муқаддам Ҳиндистон ҳудудига кириб олган Покистон армияси бўлиналари аста-секин чекина бошлади. Хабарларга қараганда, Ҳиндистон армияси покистонликларга ёрдам етказиб бериладиган йўللари беркитиб қўйгандан кейин улар шундай қилишга мажбур бўлган.

Яқинда АҚШ Президенти Билл Клинтон Европа бўйлаб сафарга чиқади.

Ереваннинг туз қони ҳудудига икки тепловоз тўқнашиб кетганиги оқибатида икки киши ҳалок бўлди ва икки киши яраланди.

Жанубий Кореянинг Мудофаа вазирлиги маълумотида кўра жанубий ва шимолий Кореянинг қоровул кемалари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди.

Конго Республикаси денгиз-пиёда қўшинлари собиқ бош вазири Бернару Колеле тарафдори бўлган кўзгоччилардан 130 нафарини қатл этди. Маълумотларга қараганда кўзгоччилар Конго дарёси орқали чегарани кесиб хорижга қочиб кетмоқчи бўлган.

Саудия Арабистонида 13 мингга яқин тиланчи ҳибсга олинди.

АҚШнинг Нью-Мексико штатида йирик ҳарбий ўқув машқлари бошланди. Унда Буюк Британия, Германия, Голландия ва мезбон мамлакатдан 18 минг нафар ҳарбий иштирок этмоқда.

Мексиканинг Пуэбла, Оахака, Герреро, Чяпас ва Морелос штатларида кучли zilзила юз берди. Унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 6,7 баллга тенг бўлган. Табиий офат таъфотлари ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

Шри-Ланка қирғоқларидан 300 километр нарида юк кемаси фалокатга учраши оқибатида Украинанинг 11 нафар фуқароси дом-дараксиз йўқолди.

ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПДИ

Президентимиз Ислам Каримов 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилар эканлар, мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятдаги, оиладаги ўрнига юксак баҳо бердилар. Бу бежиз эмас албатта. Мустақил Ўзбекистонимизда қалби юрт ишқи билан ёнаётган, иқтисодиётимиз раваноксига муносиб улуғ қўшаётган аёлларимиз ҳар соҳада учрайди.

Ана шундайлардан бири кўп йиллик самарали меҳнатлари билан элу юртга танилган тўқувчи Дилбар Кулматовадир. Қарийб 30 йилдирки у «Тоштўқимачи» ҳиссдорлик жамиятида ўз меҳнати, изланувчанлиги билан ҳурмат-этибор топган инсонлардан. Дилбар Кулматова бошқарган дастгоҳларда тўқилган сифатли матолар нафақат республикада, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам маълум машҳур бўлган. Бу тажрибали ва илғор тўқувчи етиштирган юзлаб шогирдлар эса қорхонанинг фахри бўлиб элга танилмоқда, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш йўлида изланмоқда.

Юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтиром хотин-қизларимизга куч-ғайрат, шижоат бағишлади, — дейди Дилбар опа. — Жамоамиз ишчи аёллари ҳам ана шундан руҳланган ҳолда меҳнат қилишиб, қутлуг байрам — Мустақилликимизнинг саккиз йиллигини муносиб тўғфалар билан кутиб олиш ниятидалар. Зеро, улар меҳнат қилган элда азий эканлигини, бугунги ютуқларимиз мустақил мамлакатимиз раваноксига йўлидалигини яхши англайдилар.

Дилбар Кулматова бугунги кунда ҳам жамоада фаол иш олиб бормоқда, қалби меҳнат ишқиде ёнмоқда. Қадрларни жой-жойига қўйиш, уларда жамоага, касбига меҳр уйғотиш йўлида ғайрат кўрсатмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА.
Рашид Галиев
олган сурат.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль кун Тошкентда мамлакат Президентига ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари ҳаётига ҳамда Конституциявий тўзумага таъжовуз қилиш, кўпуровчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликлари учун судланаётган 22 нафар кишига нисбатан очик суд мажлиси тарафларга: прокурор, адвокатлар, жабрланувчилар ва судланувчиларга музокараларга тайёргарлик қўриш учун берилган бир ҳафталик танаффусдан сўнг 16 июнь кун суд мажлиси давом эттирилди.

Тарафларга музокара учун сўз берилди. Музокарада сўзга чиққан прокурорлар — адлия катта маслаҳатчилари Б. Зоҳидов ва Н. Бобоев судланувчиларнинг содир этган жиноий ҳаракатларини чуқур ва атрафлига таҳлил қилиб, уларни уюшган қуролли гуруҳларни бирлаштириб, жиноий уюшма ташкил қилиш ва Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадида зўрлик ишлатиб одамлар ўлимига сабабчи бўлган террорчилик ҳаракатларини содир этиш, мамлакат Президенти ҳаётига таъжовуз қилиш, кўпуровчилик, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish, уюшган гуруҳлар таркибида фуқароларини

нғ уйига қуролли ҳужум қилиб, уларнинг мулкани эгаллаш, миллий, этник адоват уйғотиш, контрабанда, ҳокимиятни босиб олиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тўзумини ағдариш мақсадида фитна уюштириш, белгиланган тартибни бузиб, чет элга чиқиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликлари суд мажлисида ўз исботини топган деб ҳисоблаб, судланувчиларнинг барчасига, уларнинг ҳар бирининг содир этган айбига қараб жазо турларини қўллашни сўрадилар. Барча жабрланувчилар прокурорларнинг фикрларини қўллаб-қувватладилар.

Ҳимоячилар ўзларининг музокара сўзларида ҳимояларида бўлган судланувчиларнинг содир этган жиноий ҳаракатларини асосан инкор этмаган ҳолда фақат уларнинг айбларига иқдорлик билдириб, кечирим сўраётганликларини эътиборга олиб, судланувчиларга энгиллик беришларини сўрадилар.

Суд мажлисида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, хорижий мамлакатлар элчихоналари ходимлари қатнашмоқда.

Суд давом этмоқда.

(ЎЗА)

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЮКСАЛИШ ПОҒОНАЛАРИ

Тахририятимизга тиббиёт ходимлари ҳақида илқ сўзлардан иборат мактублар келиб туриши қувончли. Шундай хатлардан бири Акмал Икромов тумани Шифокор кўчасида истиқомат қилувчи Самадовлар oilасидан бўлиб, шу ҳудудда жойлашган болавлый шифохонанинг асаб хасталиклари шифокори Булбулоза Баҳодирхоновага тааллуқлидир. Кўли енгил бу инсон беморлар дардига нафақат ўз маҳорати билан, балки ширинсўзлиги билан ҳам маҳкам бўлаётганини мазкур мактубдан билдик.

Аслини олганда бундай шифокорларимиз пойтахтимизда талайгина. Улар юртимизда барча соҳаларда рўй бераётгани каби тиббиёт соҳасидаги ислохотларда фаол иштирок этишмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Султонов шундай дейди.

— Бугунги кунда пойтахтимиз тиббиёти туб ўзгаришлар йўлига киргани биз соғлиқни сақлаш ходимларидан катта масъулият талаб этади. Айни пайтда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида гапирадиган бўлсам, сўзани моддий-техникавий таъминотдан бошлаганим маъқул. Масалан, шаҳар Тез ёрдам клиник касалхонасида экспресс-лаборатория, эндоскопик хизмат, рентгенология ва ультратовуш диагностикасига эга бўлган марказлашган қабул нуқтаси фаолият кўрсатадиган янги мажмуа ишга тушди. Унда реанимация, жарроҳлик, травматология, стоматология, кардиология, кўз касалликлари, асаб хасталиклари бўлимлари ишламоқда.

Болалар инфекцияси сил хасталиғи шифохонаси янгидан таъмирланган бинога кўчиб ўтди, 15-шаҳар клиник касалхонасида кардио-неврология марказ иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини бажариш мақсадида Ҳасанбой даҳасида 10 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи шифо маскани фаолиятга киришди. «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмаси тиббий санитария қисми янгитдан таъмирланган бинода беморларни қабул қила бошлади.

Бу йилги салмоқли ишларимиздан бири 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг собиқ госпитали ўрнида «Нурунийлар» даволаш ва саломатлиқни тиклаш шифохонаси фойдаланишга топширилгани бўлди. Соя-салқин, ям-яшил бу маскан уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган. Шунингдек, 51-оилавлый шифохона ҳам тўла таъмирдан чиқарилди. Ҳозирда Юнусобод туманидаги юқумли хасталиклар ҳамда туғруқхона қайта тикланмоқда. Марказий касалхона қошида аёллар марказини очилиши режалаштиряпмиз, унда аёллар нафақат тиббий ёрдам, балки ҳуқуқий, психологик, оила масалалари, болалар тарбияси борасида маслаҳатлар олишлари мумкин. Уткир ичак хасталиклари, бошқа хасталикларнинг олдини олишга санитария-эпидемиология хизмати ролини ошириш мақсадида Акмал Икромов, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманлари санитария-эпидемиология станциялари моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлашни таъмин этдик.

— **Равшан Тўлаганович, тиббиётнинг моддий-техник базисини мустаҳкамлаш муҳим иш албатта. Аммо бизга ким ва қандай тиббий хизмат кўрсатаётгани ҳам эътиборлидир.**

— Саломатлик инсон учун қимматли неъматлардан биридир. Кўп ҳолларда биз унинг қадрига етмаймиз. Худди шунингдек хасталикларнинг олдини олиш, ундан оғохлантиришдаги шифокорларнинг меҳнати ҳам кўзга кўринмайди. Ҳолбуки, ҳар йили неча минглаб одамларнинг жони сақлаб қолинмоқда, профилактик чора-тадбир-


лар ўтказилиши туфайли кўпгина юқумли хасталиклар тарқалишига барҳам берилмоқда, болалар саломатлиғи мустаҳкамланмоқда. Булар биз шифокорларнинг асосий бурчимиздир. Табиийки, инсон хасталик чангалига тушиб қолгандагина шифокор ҳақида ўйлаб бошлайди ва унга бўлган талаби ортади. Тиббиёт ходимлари мазкур талабларга жавоб бера олишини ўйлаб биз уларни тайёрлашда қайта тайёрлаш, бунда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар ўтказиш ишига алоҳида эътибор қарата бошладик. Бундай анжуманлар эндохринология, кардиология, оила тиббиёти мавзуларида ўтказилди.

Тан олишимиз керакки, шаҳримиздаги бир қанча тиббий муассасалар ўз меҳнати ва сифатли тиббий хизмати билан аҳоли хурматиға сазовор бўлишган. Улар қаторида 1- ва 17-шаҳар клиник касалхоналари, «Тошқўқимчи» хиссадорлик жамиятининг тиббий санитария қисми, 16 февраль воқеалари асоратларини бартароф этишда ўзини ижодий томондан кўрсата олган Тез ёрдам шаҳар клиник касалхонаси қабилини айтиш мумкин. Умуман олганда бизда юқори малакали мутахассислар етарли. Тиббиёт ходимлари кўниға бағишланган тантанали йиғилишда бир қанча ҳамкасбларимиз соғлиқни сақлаш аълочиси уновони, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи фахрий ёрликлари билан тақдирланишди. Улар орасида 1-шаҳар психоневрология диспансер ҳамшираси Р. Мавлонова, 1-шаҳар клиник шифохонаси бош шифокор ўринбосари Б. Исломов, шаҳар судмед-экспертиза бюроси бўлим мудири М. Шохитов, Бектемир туман марказий поликлиникаси ҳамшираси Г. Дорохова, Болалар сил хасталиклари шаҳар касалхонаси бош шифокори Н. Муҳаммедова, 51-оилавлый шифохона бош шифокори З. Расулхўжаева ва бошқалар бор.

— **Сухбатимиз жараёнида бугунги кунда давлат дастури асосида тиббиётда бошланган ислохотлар хусусида сўз юритмай иложимиз йўқ.**

— Худди шундай. Тиббиётни ислох қилишга мўлжалланган давлат дастури аҳолиға малакали тиббий хизмат кўрсатишини мақсад қилиб олган. Бунда аҳолиға бепул тиббий хизмат кўрсатиш алоҳида эътиборда. Лекин босқичма-босқич пулли тиббий хизмат ҳам ташкил этилади. Ушбу хусусий секторларда ҳам маълум тоифадаги шахсларнинг 20 фоизи бепул даволанишлариға эришилади. Дастлабки тиббий хизмат (Тез ёрдам ҳам) аввалгича ишлайди. Маҳалларда тиббий пунктлар ташкил этилиб, унда умумий амалиёт шифокори хизмати йўлга қўйилади. Дори-дармон масаласиға келсам, бизда дорихўнослик миллий саноати ҳозирча тараққий этмаган экан, бу борадаги муаммони ечиш қийинроқ. Лекин биз дори-дармонлардан касалхона ва диспансерларда оқилона фойдаланиш устида қаттиқ назорат ўрнатдик. Дорихоналарда нарх-наво давлат томонидан бошқарилади, бунда устама нарх чакана савдода 25 фоиздан, улгуржи савдода 20 фоиздан ошмаслиғи керак. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда пойтахтимиз тиббиётда олиб борилаётган ислохотлар аҳолиға юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, фан ва амалиёт ютуқларидан оқилона фойдаланиш, тиббиёт ходимларининг малакасини мунтазам ошириб боришға қаратилган.

Маждид РАИМОВ суҳбатлашди.



Ёзги дам олиш мавсуми бошланди.

Равиль Альбеков олган сурат.

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида» республикамиз Президентининг Фармони эълон қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Унда аҳолини малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва иқтисодий ҳиммага доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш; соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалда оширилаётган ислохотларға мувофиқ ҳола келтириш ҳақида сўз юртилади.

Халқимизда эл соғлиғи — юрт бойлиғи деб бежиз айтишмайди. Айниқса, ташхис тўғри қўйилмас экан, бемор дардига даво топиш мушуқ бўлади. Шаҳримизда бу хусусда бир қатор лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонаси қошидаги Тельман Пирназаров раҳбарлик қилаётган диагностика лабораторияси ана шулар жумласидандир.

— **Тельман Убайдуллаевич, айтинг-чи, лабораториянинг асосий мақсади нималардан иборат?**

— Бизнинг асосий мақсадинииз, беморларни ўз вақтида даволаш. Яъни аниқ бир доривор модда билан даволаш учун беморлардан керакли анализлар олиниб касал кўзга туви бактерия аниқланди. Унга бир неча тур антибиотик дорилар орқали таъсир ўтказиб уни зарарсизлантириш даражаси текширилади ва шифокорға беморни шу дорилар билан даволаш тавсия этилади. Бу эса ўз навбатида касалликни сурункали ҳолатға ўтмасдан вақтида даволаш имконини беради.

— **Кейинги пайтларда кўпгина хорижий давлатлардан дарҳил турдаги минглаб дори-дармонлар келтириляпти. Бу хусусда ҳам лабораторияда бирор-бир тажрибалар олиб бориляптими?**

— Жуда тўғри таъкидлаганиғиз. Ҳозирда дуненинг турли бурчларидан дори-дармонлар республикамизға турли йўллар билан

олиб келиняпти. Бирок бу дори-дармонларнинг беморларға қайси бири фойдалими қайси бири зарарлими бу масала ҳали жойлардаги лабораторияларда тўла ўрганиб чиқилмаяпти. Биз лабораторияларни ушбу дорилардан айримларини ўрганиб чиқдик ва ўз хулосаларимизни шифокорларимизға етказяпмиз, хусусан, АКШ дан келтирилган урабдик деган дориини беморларға таъсир этиш даражасини ўрганиб чиқиб қўйганимиз ва урология бўлимидаги тавсия этиб, шу йўналиш бўйича иш олиб борапмиз.

— **Сиз ушбу лабораторияни тиклаган инсонлардан бири экансиз. Шулар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Бундан беш йил олдин ушбу лабораторияда иш бошлаганимда ахвол анча ноқдор эди. Шунда мен ишни аввало кайларни жой-жойиға қўйишдан бошладим. Тиббиёт асбоб-ускуналари етишмас, борлари ҳам ишламас эди. Уларни таъмирладик, янгиларини сотиб олдик. Ходимларини қайта ўқитиш учун малака ошириш институти ва тиббиёт билим юртиларига жўнатдик. Натийжада ишға қизиқиш ортди. Раҳбарият билан келишган ҳолда бригада пудрати усулиға ўтилди. Пуллик тўлов тизимларини жорий этдик. Амбулатория тизимида ҳам беморларни қабул қила бошладик. Бу эса оқили маошлар ошишиға олиб келди. Бундай кенг қўламли ишларни йўлга қўйганимиздан кейин анализлар микдори 10 баробарға ошди.

Иззат АҲМЕДОВ суҳбатлашди.

Ёз юмушлари

СУВ МУАММОСИ БЎЛМАЙДИ

Пойтахтимиздаги Бектемир туманида 7-сўв тармоқлар тарқатиш хизмати ташкил топганиға 7 йилдан ошди. Бу ера биринчи бўлиб ҳозирги раҳбар Раҳим Назаров келган эди. Табиийки, Бектемир туманида сўв тармоқларни марказлаштириш ишлари енгил эмас.

Бунга кўп вақт ва моддий воситалар керак. Шунинг учун мазкур корхона жамоаси бутун куч ва имкониятларини са-

фарбар қилиш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ҳаракатида. Ҳозирги пайтда Раҳим ака раҳбарлиғида Би-

лол Нозим, Машарипов, Мухтор Аевзов, Соловьев кўчалари сув билан таъминланди. Мажнунтол маҳалласида эса

ана шу ишлар якунланиш арафасида турибди.

— Бир йил бурун, — дейди Раҳим Назаров, — кўп кўчаларда, айниқса ёз мавсумида сув масаласи жуда оғир эди. Юқори қаватларға сув умуман етиб бормасди. Ҳозир эса шу муаммо ҳал этилди. Аҳоли сув

бўйича қийналмаслиғини ўзининг асосий бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг жамоамизда юқори малакали ишчилар меҳнат қилишади. Газ-электр пайвандчи Абдухалил Умурзоқов, чилангар Тошкенбой Урозаев, тракторчи Бозорбой Камолов каби ишчилар меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар.

Усмон УСМОНОВ.

ҲАФТАЛИК КУРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 21

ЎЗТВ I

8.00-8.40 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.40 «Ўзбектелим» намоиш эстади: «Амир Темур дундорлари»

9.15 «Улики» Бадий-публицистик курсатуви

10.00 «Куй ва тасвир»

10.00-12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

Болаларнинг ёзи тавтил кунларида:

10.05 «Шумтоқлар» Мультсернал

10.35 Кундузи сванс: «Уч бақалоқ»

12.05 «Олтин тоқ». Телевизион уйи

12.25 «Куйиш хўша» саргарлар»

13.00 «Славага сайба»

13.20 «Оталар сузи-ақлининг қўша»

14.10-14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати

16.10 «Аралаш» Ҳажий киножурнал

18.25 Болалар учун. «Орзулар калитида»

30-КАНАЛ

15.00 КА ДАДЛАР ЛИНЯДА

15.00 Кўрсатувлар тартиби

15.05 «Сендиш яшай олимпиа»

15.30 «Эсдалик учун дастах»

16.00 «Факат хотин-қизлар учун»

16.30 «Экхирслар асирлигида»

17.35 «Клип-совгача»

18.25 «Ошиқона» Муслик дасури

18.40 «Сендиш яшай олимпиа»

19.25 Спорт шархи

20.20 «Клип-совгача»

20.30 «30-каналда киноқошом»

21.15 «VIP» студиясининг меҳмони

22.30 «Косби шоуси» Ҳажий сериал

24.00 Тунги муслик дам олиш канали

ЎЗТВ II

5.00 «Хайри тунг»

8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.00 — Янгиликлар

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби

18.05 «Кусто командасининг сувости саргуашталари»

18.50 «Муслик лаҳза»

19.00 «Давр» Аҳборот дасури

19.30 «Сендиш яшай олимпиа»

19.55 «Рей Брэдери театри»

20.20 «Газал соғина»

20.40 «Марду майдон»

21.00 «Давр» Аҳборот дасури

21.30 «Сендиш яшай олимпиа»

21.50 «Камолот»

22.30 «Парламент»

23.00 «Сен эти мизамасан»

00.20 «Янги тонг»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар тартиби

18.00 «Пойтахт»

18.10 «Ерилош»

19.05 «Сўхбатдош»

9.10 «Миледи»

9.10 «Миледи»

10.35 «Кичик дайди»

11.30 «Менинг оилам»

12.30 «Мультифильмлар»

12.45 «Муслик мусика»

13.30 «Антонелла»

14.25 «Бойлар ва машурлар»

15.25 «Бичринк бусалар»

16.30 «Минора»

17.30 Серго Закарядзе «Солдат отиси»

18.30 «Тадсилотлар»

19.30 «Уруш аёлларининг иши эмас»

20.10 Федор Бондарчук

21.45 «Урмас Отт Наталья Гундарева билан»

23.35 «Ермас атлетика буйча Европа кубоци»

7.55, 11.10 — «Кундан-кунга»

9.45, 19.20, 00.35 — «Йул назорати»

10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТОН-6»

10.10, 00.55 — «Кимки...»

23.30 «Пойтахт»

23.30 «Пойтахт»

23.45 «Оханлар ва эълонлар»

23.55 «Киноғош»

01.30 «Хайри тун, шарҳи»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.05 Кўрсатувлар тартиби

15.10 «СНН» Жаҳон янгиликлари

15.40 «Муслик холл»

16.00 «Севги йўлида»

17.00 «Спорт клуб»

17.15 «Маски-шоу»

17.45 «Мультичароқлақ»

18.00 «Клип-антракт»

Россия жамоат телевидениеси

18.05 «Инсон ва конун»

18.45 «Хайт сўқмоқлари»

19.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

8.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.30 Республика газетларининг шарҳи

8.45 «Кўшиқ билан кўраман оламни»

9.10 «СНН» Жаҳон янгиликлари

9.30 «Кусто командасининг сувости саргуашталари»

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Жавоҳирлар хазинаси»

11.15 «Шумтоқлар даврасида»

12.05 Кундузи сванс: «Болалоқон қиз»

13.25 «Кино сарҳисид»

13.45 «Тўриқ қизлари»

14.10 «Аҳаб саюлат эрур...»

14.35-15.00 «Инсон ва замин»

15.05 Кўрсатувлар тартиби

15.10 «ХА, ХА, ХА...»

15.35 «Экран курали»

15.50 «Хайт сўқмоқлари»

16.20 «Алп Жамол»

16.55 «Кино сарҳисид»

ПАИШАНБА, 24

ЎЗТВ I

8.00-8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.30 Республика газетларининг шарҳи

8.45 «Кўшиқ билан кўраман оламни»

9.10 «СНН» Жаҳон янгиликлари

9.30 «Кусто командасининг сувости саргуашталари»

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 «Жавоҳирлар хазинаси»

11.15 «Шумтоқлар даврасида»

12.05 Кундузи сванс: «Болалоқон қиз»

13.25 «Кино сарҳисид»

13.45 «Тўриқ қизлари»

14.10 «Аҳаб саюлат эрур...»

14.35-15.00 «Инсон ва замин»

15.05 Кўрсатувлар тартиби

15.10 «ХА, ХА, ХА...»

15.35 «Экран курали»

15.50 «Хайт сўқмоқлари»

16.20 «Алп Жамол»

ДУШАНБА, 21

ЎЗТВ I

8.00-8.40 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.40 «Ўзбектелим» намоиш эстади: «Амир Темур дундорлари»

9.15 «Улики» Бадий-публицистик курсатуви

10.00 «Куй ва тасвир»

10.00-12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

Болаларнинг ёзи тавтил кунларида:

10.05 «Шумтоқлар» Мультсернал

10.35 Кундузи сванс: «Уч бақалоқ»

12.05 «Олтин тоқ». Телевизион уйи

12.25 «Куйиш хўша» саргарлар»

13.00 «Славага сайба»

13.20 «Оталар сузи-ақлининг қўша»

14.10-14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати

16.10 «Аралаш» Ҳажий киножурнал

18.25 Болалар учун. «Орзулар калитида»

ЎЗТВ II

5.00 «Хайри тунг»

8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.00 — Янгиликлар

8.20 «Давр»

9.20 «Сикат-саломатлик»

9.45 «14.40 Милтосванс»

10.00 «30-каналда киноқошом»

11.15 «Виргалиш» дасури

12.00 «Олтин серия»

14.15 «Гарри — қор одам»

14.55 «Юдузлар оилар»

15.30 «... 16 Ёшгача ва ундан катталар»

17.15 «Куйини топинг»

17.45 «Шу ерда ва хозир»

18.05 Душанба кунини Поэзер билан

20.00 «Врема»

20.40 «Мен — рус аскариман»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар тартиби

18.00 «Пойтахт»

18.10 «Ерилош»

19.05 «Сўхбатдош»

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Аҳборот»

20.00 «Ешлар худуди»

20.30 «Аҳборот»

21.00 «Сўхбатдош»

21.45 «Туркизм ҳақида»

22.15 «Спорт оламида»

22.30 «Пойтахт»

23.00 «Морена Клара»

23.30 «Пойтахт»

23.55 «Оханлар ва эълонлар»

01.30 «Хайри тун, шарҳи»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар тартиби

18.00 «Пойтахт»

18.10 «Ерилош»

19.05 «Сўхбатдош»

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Аҳборот»

20.00 «Ешлар худуди»

20.30 «Аҳборот»

21.00 «Сўхбатдош»

21.45 «Туркизм ҳақида»

22.15 «Спорт оламида»

22.30 «Пойтахт»

23.00 «Морена Клара»

23.30 «Пойтахт»

23.55 «Оханлар ва эълонлар»

01.30 «Хайри тун, шарҳи»

ТВ-6

7.55, 11.10 — «Кундан-кунга»

9.45, 19.20, 00.35 — «Йул назорати»

10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТОН-6»

10.10, 00.55 — «Кимки...»

10.25 «Куйиш хўша»

10.50 «Саломатлик формуласи»

11.00, 19.55 — «Шаҳара-II»

11.30 «Санаёт ва конун»

11.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

12.00 «Тонгги киносванс»

12.25 «Муслик холл»

12.45 «Муслик мусика»

13.30 «Антонелла»

14.25 «Бойлар ва машурлар»

15.25 «Бичринк бусалар»

16.30 «Минора»

30-КАНАЛ

9.05 «Муслик тунг»

9.30 «Муслик холл»

9.45 «14.40 Милтосванс»

10.00 «30-каналда киноқошом»

11.15 «Виргалиш» дасури

12.00 «Олтин серия»

14.15 «Гарри — қор одам»

14.55 «Юдузлар оилар»

15.30 «... 16 Ёшгача ва ундан катталар»

17.15 «Куйини топинг»

17.45 «Шу ерда ва хозир»

18.05 «Инсон ва конун»

18.45 «Кўшиқ оила»

19.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»

20.00 «Врема»

20.40 «Мен — рус аскариман»

ЎЗТВ II

5.00 «Хайри тунг»

8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.00 — Янгиликлар

8.20 «Давр»

9.20 «Сикат-саломатлик»

9.45 «14.40 Милтосванс»

10.00 «30-каналда киноқошом»

11.1

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОМАДИНГИЗ
КЕЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР АЁЛЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ «МЕҲР-МУРУВВАТ» пуллик лотереяси билетлари сотувга чиқарилди. Лотереядан тушган барча маблағлар кўп болалик ҳамда кам таъминланган oilаларга ижтимоий ёрдам сифатида сарфланади.



Мурувватингизни дариг тутманг ва лотереямизда иштирок этиб, савобли ишга ўз хиссангизни қўшинг.

1999 йил 18 декабрда ўтказиладиган ютуқлар тиражидан ЮЗ сўмдан МИЛЛИОН сўмгача бўлган пул ютугининг соҳиби бўлиш имкониятингиз бор.

Лотерея билетларини алоқа бўлимлари, мабуот шохобчалари ҳамда жамоат тарқатувчиларидан харид қилишингиз мумкин.

**«МЕҲР-МУРУВВАТ»
ЛОТЕРЕЯСИДА ОМАД СИЗГА
ЁР БЎЛСИН!**

ЕТУК МУТАХАССИС
БЎЛИШНИ
ХОҲЛАЙСИЗМИ?
МАРҲАМАТ!

Бухгалтер, банкир-иқтисодчи,
молиячи, коммерсант, аудитор,
менежер мутахассислигини
эгаллаш учун

ТОШКЕНТ
ТИЖОРAT
ТЕХНИКУМИТА

ўқишга кириб, бу ниятингизга
эришишингиз мумкин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Яккасарой
тумани, Усмон Носир кўчаси, 105-уй.
Трамвайлар: № 7, 28, 26.
Троллейбус: № 15
Автобуслар: № 32, 57, 58, 69, 79.
«Қон қуйиш институти» бекасти.

БЮДЖЕТДАГИ
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири билан келишилган ҳолда тайёрланган Марказий банкнинг 1998 йил 31 декабрда чиққан № 01/192 хати асосида «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ОТАЖ раҳбарияти шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро телефон алоқаси хизматларидан фойдаланганлик учун ҳисобни ҳар ойда олиш ва уларга ҳақни ўз вақтида тўлаш лозимлиги тўғрисида қатъий талаб билан муурожаат қилади. Ҳақ тўланмагани ҳолда телефонлар ўчириб қўйилади ва кейинчалик ҳисобдан чиқариб ташланади. Телефонлар ишини тиклаш нархлар преискурантга мувофиқ янгидан ўрнатиш шароитларида амалга оширилади.

ХИСОБ-КИТОБ ГУРУҲЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

● **ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО СЎЗЛАШУВ-ЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ УЧУН: «ТШТ» ОТАЖ-133-35-63;**

ШАҲАР АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА
ҲАҚ ТЎЛАШ УЧУН:

● «ТШТ» ОТАЖнинг Марказий филиали — 137-63-13

● «ТШТ» ОТАЖнинг Собир Раҳимов филиали — 29-88-43, 29-88-45

● «ТШТ» ОТАЖнинг Миробод филиали — 54-67-20

● «ТШТ» ОТАЖнинг Мирзо Улуғбек филиали — 162-17-44

● «ТШТ» ОТАЖнинг Чилонзор филиали — 77-34-11

● «ТШТ» ОТАЖнинг Янгиобод филиали — 94-26-44, 97-28-00.

Очiq турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акциядорлик жамияти.

КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА
ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли Тошкент чётка ва картон махсулотлари ишлаб чиқариш ўқув комбинати

- пахта сановатида ишлатиладиган чёткаларни;
- бугдой тозалашда ишлатиладиган чёткаларни;
- оёқ ва кийим чёткаларни;
- ҳужжатлар учун жилдлар (скорошиватель);
- қоғозлар учун папкаларни;
- картон махсулотларини пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Шунингдек, турли ҳажми ва шаклдаги картон махсулотлари учун ҳамда исталган шаклдаги чётка махсулотларини тайёрлаб бериш мақсадида буюртмалар

КАБУЛ ҚИЛАДИ

Бизнинг махсулотларимиз бошқаларникидан анча арзон. Азиз корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар барчангизни ишлаб чиқариш борасида ҳамкорликка чақирамиз.

Мулоқот учун телефон: 90-88-33, факс: 90-86-37
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мунис кўчаси, 10-уй.
(мўлжал 3-такси саройи).

ТОШКЕНТ
ШАҲАР
АҲОЛИСИ
ДИҚҚАТИГА!

«Сувсоз»

трестига

қарашли

ичимлик суви-

оқава сувлар

қудуқларига

бегона

шахсларнинг

тушиши қатъиян

ман этилади!

Қудуқларда ҳаёт

учун хавфли

бўлган заҳарли

газлар бор!

САЛОМАТЛИК

Тиббиёт маркази сурункали касалликлар, ўт пуфакдан тошларни тушириш (тиғсиз жарроҳлик), ички ликбезлик ва кашандалик хасталикларини даволайди.
Телефонлар: 29-79-21, 24-56-79

Пейжер, касса аппарати-ни

СОТАМАН

Телефон: 35-01-39

«Радиодеталлари» дўкони деталларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилади ва сотади.
Телефонлар: 35-01-39, 67-52-18.

Носқовоқчаларни сотиб оламан.

Телефон: 22-83-83.

Яккасарой туманидаги «Анвар Бақоев» шўъба корхонаси 1999 йил 1 июлдан тугатилади.

Эътирозлар бир ой ичида қабул қилинади.

«ФАРҲОД БОЗОРИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК
ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

1999 йил 19 июль соат 16-00 да Тошкент шаҳри Акмал Икромов тумани Фарҳод кўчаси «Фарҳод бозори» худудида жойлашган «Якка боғ» қаҳвахонасида «Фарҳод бозори» очiq турдаги ҳиссадорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.
Акционерлар ва уларнинг вакиллари ўзлари билан шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари керак.

КУН ТАРТИБИ.

1. Жамиятининг 1999 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича молиявий-ҳўжалик ҳисоботи.
2. 1999 йил 1-ярим йилликка дивидендлар миқдорини аниқлаш ва даромадларни тақсимлаш.
3. Жамиятининг 1999 йилга ўзгартирилган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
4. Баъзи ташкилотларга хайрия ёрдами кўрсатишини тасдиқлаш.
5. Жамият Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида;
Умумий мажлис иштирокчилари 1999 йил 19 июль соат 15-00дан бошлаб «Фарҳод бозори» идорасида рўйхатга олиндилар. Кун тартиби бўйича маълумот билан 1999 йил 30 июндан 15 июлгача «Фарҳод бозори» ОТАЖ идорасида танишишлари мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қуялари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёрмтади.
Эълонлар шанба ва акшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

133-28-95. Факс: (3712)

133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:

МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси Физика-математика тахририятининг катта муҳаррири Худойберди Пулатхўжаевга онаси Саломат БУВАХОНОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Маҳалла

(Давоми. Боши газетанинг 64-сониди).

Нихоят, иккинчи куни ўзига келиб, кўзини очди, кўрдик бахиллар кўнглидек бир қоронғу ерда ётибдур, яна кўзини юмди. Магар тушимдур деб. Бу зулмат ичра уйкуси ҳам қочди. Охири ўрнидан туриб додлай бошлади, ҳеч ким хабар олмади. Ҳазини ўлдирай деса, бу ерда ҳеч нарса йўқдур. Хайронликда туриб эрди, юқоридин бир туйнук очилиб, уйни ичи андак равшан бўлди, канизакни кўрди ва шундай ҳақоратлар қилдиким бу дашномлардин илон пўст ташлагай эрди. Аммо канизаклар гулдек очилиб, вазирни сўзларига кулар эрдилар. Вазир ноилож қолиб илтижо қиларга бошлади, очлик ва ташналик ҳақдига етди деб, ёлборарди. Канизак киноя қилиб дедиким, эй Хожа аввал гусл айланг кеча жунуб бўлиб эрдингиз деди. Бу сўз вазирга қаттиқ таъсир қилди. Канизакни раҳми келиб бир обдастада сув ва иккита нонни арқонга боғлаб тушириб, буни нахори айланг деди. Вазир нон билан сувни нўши жон қилди. Канизак туйнукдан яна ош-нон ташлаб, сўнгида чигирик, чарх ва бир сават гўза ташлаб, эй Хожа ҳар эрта ва кеч ош-нон тайёрдур, бекор ўлтирманг чарх билан машғул бўлинг. Агар чархни яхши йигириб, ипни тоза чиқарсангиз ош-ноннингиз ҳам зиёдароқ бўлур деб, туйнукни ёпиб ғойиб бўлди. Вазир ҳарчанд мулоим сўзлар билан ялиниб-ёлборди, бўлмади. Ноилож бекорчиликдан зерикиб гўзани чувиб, пахтасини чигирикдан чиқариб ип йиғирмоқга бошлади. Ҳар куни юз пайса гўзани йиғириб бериб овқат олиб кун ўтказарди.

Энди икки калима сўзни қолган тўққиз вазирдан эшитингким, орадан бир неча кунлар ўтди, аввали вазирдан дарак бўлмади. Вазирлардан бири шохдан рухсат олиб йўлга равона бўлди. Вазир Гилон шаҳрига келиб, саройдан бир хужрани олиб, аввалги тартибда ул даллоланнинг кўмаги билан аввалги вазирнинг ёнига тушиб, чарх йиғирмоқга тушди. Бироз хушига келиб атрофга боқиб, аввалги биродари чарх ва чигирик билан оворадур, асло қулоғига сўз кирмайдур, чарх қолди чигирик қолди, деган сўздан бошқа сўзни демас эрди. Алқисса очлик сабабидан бу ҳам чарх, чигирик билан машғул бўлди. Ул қолган саккиз вазир ҳам бир-бир келиб, ҳаммалари бир жойда жам бўлиб, авбаройи овқат ўтказиш учун кеча-кундуз чарх йиғирдилар. Канизак ҳар эрта ва кеч тайёр бўлган ипларни олиб, гўза билан таомларни ул туйнукдан узатар эди.

Подшоҳ кўрдиким, орадан неча ой ўтди, вазирлардин, хабар бўлмади. Нихоят, подшоҳ ўз ўрнига бировни қўйиб, ярим кечада икки маҳрами билан Гилон шаҳари томон йўл олди. Шох ҳам Гилонга бориб саройдан бир хужра олиб, нафасини ростлаб, ул даллола хотиннинг даллати билан Устанбойнинг уйига, маликанинг базмгоҳига қадам еткурди. Дарвозани канизак очиб, шохни ичкарига олди. Алқисса шохни ҳам аввалгидек ул чархонага банд айлади. Малика канизакга дедиким, ул кечани меҳмонимизни авзойи, рангу рўйи ўзгача кўринадур, подшоҳ кишига ўхшайдур. Ул одам хушига келган бўлса, бу ерга олиб келгил деди. Канизак туйнукдан қараб кўрдиким, шох ўзига келибдур. Ун вазирни кўрдиким чарх, чигирик билан оворадурлар, бири-бирига бошмаслар. Подшоҳ вазирларнинг аҳолини кўриб субхонлолх деб, таажжубда эди. Канизак шохни аркон билан тортиб туйнукдан чиқариб, маликанинг хузурига олиб борди. Малика дарҳол ўзини шохнинг оёғига ташлаб, қадамларини ўпди. Шох маликани подкомонлигига тасанно айтиб, қиёматлик синглим бўлгил деб, меҳрибонликлар айлади, малика бир кеча-кундуз шохни зиёрат айлаб, хизмат қилди. Шох дедиким, энди пойтахтимга борай, худо хохлаسا одамлар билан бирга бир хат юборурман. Ушбу хатга қараб амал айларсиз деб, кўп нақдинлар бериб йўлга равона бўлди. Саройдин маҳрамларини олиб, суръат бирдан ўз мулкига етиб, тахт узра ўлтирди. Икки адад хат ёзиб Гилон шохига битъаз дуои услуб дедиким, эй биродар ушбу нома етиши билан Устанбой

нажорнинг заифаси менинг синглимдир, сафар тараддудини созлаб, беозор айлаб биз томонга юборгайсиз, Оллоҳ таоло сиздин хушнуд бўлғай. Яна бир номани малика Солиха бегимга ёзиб дедиким, синглим бул хат етиши билан биз тарафга равона бўлинг, кўзим йўлда нигорондур деб, бир маофа ясаб уч адад оқсочлар, уч-тўрт адад шохи пайкар канизакларни азбаройи хизмат айларга муқаррар қилиб, сарҳангни одамлари билан ва яна бир доно кишини элчи қилиб Гилон томонга жўнатди. Мазкур элчи ва сарҳанглар Гилонга етиб келиб шаҳар бўсағасига тушдилар. Гилон шохнинг умаролари пешвоз чиқиб, элчи билан сарҳангни элчихонага олиб бориб подшоҳни зиёфатлар айладилар. Ул тарафдин оқсоч ва канизаклар маофани Устанбой дарвозасига олиб бордилар. Малика буларни хос жойларга тушириб, зиёфатлар қилди. Сарҳанг одамлари кечалаб ул ўн вазирни занжирбанд қилиб олиб кетдилар. Неча юз одамлар ўртага олиб пойтахтга олиб кетдилар. Бул кеча ўтди эрта билан элчи ва сарҳанг кўриниши учун Гилон шох хизматига бориб, пешкашларни тақдим этиб,

шохнинг хатини бердилар. Гилон шохи ўшал куни малика Солихани сафар асбобларини тайёрлаб, ҳақиялар билан бир жавоб мактубини ёзиб, элчи ва сарҳангни бир неча манзилгача кузатиб қайтди. Улар ўз вилоятларига етиб, ул ўн вазирни зиндонга ва маликани эса бир яхши манзилга туширдилар ҳамда бир неча оқсоч хотинлар ва дилрабо канизакларни малика хизматига тайинладилар. Шох ҳар икки-уч кунда бир келиб маликанинг аҳолидан хабар олиб кетарди.

Алқисса, Устанбой иморатни куриб тайёр айлади, ҳеч кам-кўст қолмади. Ул тўрт юз устага ҳам жавоб берди. Хизмат ҳақларини айтилганидан ҳам зиёдароқ берди. Мардикорлар, хизматкорлар, саркоруларни ҳаммасини рози қилиб, дуолар олиб, сўнгра подшоҳ хузурига кириб одоб тиззасин букиб, дуолар айлаб дедиким, шох, хизмат интихосига етди, энди рухсати босавоб бўлса, уйга бориб ул муштипарни аҳолини сўраб, агар рози бўлса, остонабўсликка олиб келсам, деб арз айлади. Шох меҳрибонликлар айлаб дедиким, уч кун турун жавоб бўлур деб тўхтатди. Кеч кирди, устанби бир хос ерга олиб дедиким, эй Устанбой сенга бир сўзим бор, махфийдур, энди зуҳурга келтирайин. Махфий сўзим булдурким, исмат пардасига ўлтургон бир синглим бордур, агар мақбул бўлса никоҳингга киргизсам деди. Усто хижолат бўлиб ҳомуш бўлди. Шох сўрадики, эй уста, ушбу сўзларим мақбул бўлдимки ё бўлмадимки? Уста деди, банданинг ихтиёри шохнинг қўлларига бўлғай, деб рози бўлди. Шох бир икки ҳафта тўй-томосшалар билан яхши соатда Малика Солихани устого иккинчи марта аҳд айладилар. Ул иморатларни малика Солиха шаҳрига инъом айлади. Алқисса оқсочлар, ҳаводорлар устанби маликанинг шабистонига олиб кирдилар. Малика салом айлаб, ўзини устанбинг оёғига ташлади. Устанбой кўрдиким ўз маликасини. Икковлари дам-бадам ўзларидан кетиб яна ўзларига келур эрдилар. Бул кеча ўтди, Устанбой шохнинг ҳақига дуолар қилди. Шох бошлиқ ҳамма муборақбод айладилар. Ун вазир то алҳол занжирбанд эрдилар, зиндондан олиб келиб устага топширдилар. Уста уларнинг гуноҳини авф этишини подшоҳдан сўради, шу шарт биланки, қилган гуноҳларини ростлигига иқрор бўлсалар деб. Улар аркони давлат хузурда ўз бахилликлари ва рашклари ҳамда барча қилган ғаддорликлари ҳақида ростлик билан иқрор бўлдилар. Вазирларни озод айлаб юбордилар. Бу воқеа бўлак шаҳарларга овоза бўлиб кетди. Устанбой холислардин бўлиб, подшоҳга яқин киши бўлиб қолди. Малика Солиха ўрда хотинларнинг энг сараси бўлди дебдурлар.

Қиссадан ҳисса улдурким, ростлик айланган ростлик давлатига мушарраф бўладур. Устанбой ва малика Солихадек. Бахиллик қилганлар ўз жазосини топадур худди ўн нафар вазирлардек. Ростлик ҳар бобда керақдур, албатта. Омин ва раббул оламин.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

МОЗИЙГА САНЪАТ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Бодомзор» маҳалла кўмитасининг ташаббуси билан 52 нафар маҳалла аҳли автобусда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига боришди. Улар икки кунлик сафар чоғида Самарқанднинг Челек туманидаги Хартанг

қишлоғида бунёд этилган Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи, Регистон мажмуаси, Сиёб бозори, Бухорода эса Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Лабиҳовуз, Арк ва шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойларини томоша қилиб қайтишди.

Эркин Тўлаганов.

Ўзбекистон ва жаҳон



Ўқувчиларга немис тили дипломлари

Яқинда Германия Федератив Республикасининг элчихонасида ўзбекистонлик ўқувчиларга немис тили бўйича нуфузли диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Бундай олий даражадаги ҳужжат пойтахтимиздаги 60-мактаб ўқувчиларига берилди. Энди улар Германиядаги олий ўқув юрталарига немис тили бўйича қўшимча имтиҳонларсиз кириш ҳуқуқига эгалар.

— Ўқувчилар мазкур муваффақият билан фахрланишлари мумкин, — деди маросимда Германия Федератив Республикаси элчиси Райнхарт Биндзайл. — Бундай шаҳодатномага эга бўлган ёшлар немис талабала-

ри билан билим миқёсида тенглаша оладилар. Бу ҳужжат уларга Ўзбекистонда, шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам асқотади. Айниқс шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчилар нафақат чқур билим олишди, балки улар Германия тарихи ва маданиятини ўрганиб икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишди.

СУРАТЛАРДА: Германия Федератив Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Биндзайл дипломларни топширмоқда, дипломларнинг бахтли эгалари.

Рустам Шарипов олган суратлар.



ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Олтин бошоқлар.

Равиль Альбеков олган сурат-лавҳаси.

АВТОБУСДАГИ ҲАНГОМА

(Бўлган воқеа)

Шомирза негадир бугун ишга ҳар кунгидан эрта отланди. Бекатда ҳам аксига олиб одам жуда кўп эди. У автобус кутиб битта сигаретни чекишга ҳам улгурди. Бу орада автобус келиб ҳамма ўзини унга урди: чиққан чикди, қолган қолди.

Шомирза автобусга зўрға илдинди. Бир амаллаб орқа эшик олдиндан олдинга сурилди. Бир бекат юрган автобус силкиниб тўхтади-ю тахтадек ёпишиб тик турган одамлар мувозанатларини сақолмай бир-бирларига урилдилар. Автобус яна ўрндан силжигач шундоғам тирбанд одамлар ўртасидан чиптачи у ёққа-бу ёққа туртишиб чипта сота бошлади. Шомирза сал бемалолроқ, бўшроқ автобусда юриб ўргангани учунми, диққати ошди, жамли чиқиб:

— Нима қилаяпсизлар ўзи, — деди чиптачига хўмрайиб, — ўтин ташияпсизларми ёки...

— Вей ака, ёқмаётган бўлса, бемалол тушиб қолинг-да, таксида кетаверинг, хўпми? Қани, чиптачигизни кўрсатингчи? Борми ўзи?

Шомирза ойлик чиптасини унинг бурни тагига тикди.

— Мана, кўрдингизми, ўзингиз ойлик карточкаси олволган экансиз-да. Бизда-чи, акахон, план деган нарса бор, хўпми? Бугун план топширма-сак, эртага ойлик маош ҳам йўқ. Кейин болачақа, хотин деган нарсалар биздаям бор, жа ердан чиққанмасмиз...

Шомирзанинг чиптачининг шангиллашидан

бошлари айланиб кетаёзди, шунинг учун олдимдан тезроқ кетсин деб ҳеч нарса билмагандай автобус бекатда тўхтаётган кезде чиптачининг оёғини қаттиқ босди. Чиптачи оғриққа чидалмай сўраб тушди ва у Шомирзанинг ёқсига икки қўли билан ёпишди. Яхшиям автобус тўла одам эди, бўлмасам у Шомирзани автобусдан улоқтириши тайин эди.

— Эй, биродар, мен ҳеч нарса қилганим йўқ, ҳайдовчига айт, секинроқ ҳайдасин, — деди Шомирза гезариб. Унинг жонига атрофда турганлар оро киришди. Чиптачи қизариб-бўзариб ундан нари кетди. Лекин қутилмаганда бир қизча (лицей ўқувчисига ўхшайди) сумкасининг чўнтақларини титкилаганча йиғлаб юборди.

— Автобусга чиқаётганимда ҳаменим мана шу ерда эди, — дерди у бечора йиғламираганча.

— Неча пулинг бор эди ўзи? Йўлқирага етар-миди? — дея уни масхаралади чиптачи.

Шомирзанинг қизчага раҳми келиб «Ҳой ука, кўй ёш болани кўп қийнама», деди-да, йўлқирага пул берди. У манзилига етгач, енгил тортиб автобусдан тушди. Унинг орқасидан эса халиги қизча ҳам тушди ва Шомирзага юзланди:

— Амаки, автобусга чиққанимда сиз менинг ёнимда турган эдингиз, балки ҳаменимни ҳам қайтарасиз, — деди уялиб.

Шомирза эса нима деб жавоб қайтарарини билмай турган жойида тек қотди.

МОҲИНУР.

Ёшлар — келажакимиз

ЧЕМПИОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон шарафини дунё миқёсидаги мусобақаларда кўп марта муносиб ҳимоя қилган энг иқтидорли, етакчи спортчи ва мураббийлар билан институт жамоасининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув институтининг жисмоний тарбия кафедраси томонидан уюштирилди.

Ватанимизнинг иқтидорли спортчиларидан — бокс бўйича 1974 йили Гаванада ўтказилган Жаҳон чемпионатининг голиби, олимпиаданинг кумуш медал соҳибдорлари, бир неча бор нуфузли мусобақалар голиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Руфат Рисквев, самбо бўйича уч карра жаҳон чемпиони, уч карра Осиё чемпиони, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпиони Ақобир Қурбонов, кураш

бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Камол Муродов, Атлантада бўлиб ўтган Олимпиаданинг дзюдо бўйича кумуш медал соҳиб, кураш бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медал соҳибдорлари, бир неча нуфузли мусобақалар голиби юридик институтининг 3-курс талабаси Армен Багдасаров, институтининг 2-курс талабаси, дзюдо бўйича спорт устаси, яқинда АҚШда ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича бўлиб ўт-

ган Жаҳон чемпионатининг кумуш медал соҳиб, Тобибот Жемгурадов ва институтининг жисмоний тарбия бўйича катта ўқитувчиси, волейбол бўйича Европа чемпиони, собик СССР ва университет чемпиони Лариса Губкалар учрашувда қатнашиб, ўзларининг турмушлари ҳақида, спортга қандай кириб келганлари, юқори даражадаги мусобақаларда галаба қозониш учун меҳнат ва фақат меҳнат қилиш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Институт талабалари ва чемпионлар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди. Бундай учрашувлар шубҳасиз, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширади.

Файрат МУҲАММАДАЛИЕВ.

Муассис:
Тошкент шаҳар
хокимлигиБош муҳаррир
Акмал АКРОМОВМанзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.Ҳақини — 2 босма тираж офсет усулида
босилади. Қото биринчи А-2Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрини етказиб бериш масъулияти бўйича турар жойлардаги
почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонига муражат қилишингиз мумкин.«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАНГОМА
Домо бўлур...

◆ ҲИКОЯТ. Бир табиб бир одамнинг олдига келиб: «Мен сенга учта нарса олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзимаиди!» — деди. Улар нималар экан?» сўради улуг киши. Табиб баён қилиб деди: «Сочни бўйгадиган рангки, у билан сочингни бир бор бўясанг умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дориси, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай кўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди. Учинчиси шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йигитлик айёминг қайтиб келади!» Табиб сўзини тугатгач, улуг киши унга қараб деди: «Сен олиб келган соч бўёғи алдов мояси, мағрурлик нишонаси, қариганда ёшларнинг қилиғини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқ сочларимни қора зулматга алишмайман. Айтган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни бўктириб, урворадиган одамлардан эмасман. Менинг широмим кам ёмоқдир. Еганда ҳам ошқозоним ҳазмига ожиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори ҳою хавасга берилган аҳмоқ одамларга керак. Узининг савобли ишларини ташлаб қўйиб, кун бўйи хотинлар олдига хушомад уриб ўтирадиган киши бахтсиз кишидир.

Абулбарокот ҚОДИРИЙ.

◆ «Хулоса» китобидан маълум бўлишича, овқатни асло ҳидламаслик, овқат орасида сув ичмаслик, бордию ичиш лозим бўлиб қолса пиёла ёки идишни ёғли қўл билан булғамасликка ҳаракат қилмоғи лозим.

◆ Овқат ейиш учун ўтиришда аввало доно ва олим кишилар энг юқориға ўтказилади. Сўнг энг ёши, илми жиҳатидан юқориға ўтказилган кишиларга яқинроқ кишилар тақдир этилади. Бордию, ўрта ва охири даражада бўлган кишилар юқориға ўтиб қолган бўлса, уларни турғазини ва ёши ҳамда илми жиҳатидан устун бўлган кишиларни тепага ўтқизиш мумкин.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД.

◆ Кўп ейдиган одамнинг саломатлиги кам бўлади:

*Кимки кўп ейишни айласа одат,
Ичию ташини қоплагай иллат!*

◆ Кишининг қадри унинг ҳимматиға яраша бўлади. Ҳади муҳаббатни оширади:

*Дўстлар учун ажаб ёқимли хислат,
Бир-бирини ҳадлар айлаб турса шод.**Узаро ҳадлар шундайин кучки,
Дилда муҳаббатни айлағай бунёд!*

◆ Кўп ейиш оз ейишдан ҳам маҳрум қилади. Баданнинг қуввати овқат, руҳнинг қуввати эса илмдир.

◆ Айбсиз одамни кўрган ҳасадчининг жаҳли чиқади. Баданнинг созлиги ҳасадчининг озлигидан.

Ҳасадчининг моли ўзига насиб этмайди.

«Аталар сўзлари»дан.

◆ Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбидан муҳаббатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю, аммо узоққа етади. Очкўз одам муҳаббатдан қочган, ўз қалбидан адоватга йўл очган бўлади. Очкўз киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаш қийину, лекин тез синади.

ЮСУФИЙ.

◆ ҲИКОМАТ. Ҳар кимнинг нафси ақлига хизмат қилса ундай кишига бахт ва давлат юзланади. Ҳар кимнинг ақли нафсига хизмат қилса бахту иқбол ундай кишидан юз ўгиради.

Байт:

*Нафси ақлга бўйсунса агар,
Иқбол дарахтидан мева ер киши.**Ақлдан зиёда бўлса агар нафс,
Одамнинг кунга-кун ортар ташвиши.*

◆ Агар обрўйим ошсин десанг амалга шундай кишини тайинлаки, у ҳеч қачон сотқинлик қилишга журъат этмасин!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ ҲИКОЯТ. Айтишларича, Лайли ишқ ва хусна машхур бўлиб кетгач, ўша давр подшоҳининг кўнглида уни кўриш истаги туғён уриб, шунча гап-сўзга сабаб бўлган Лайлининг жамолини қандайлигини билмоқчи бўлди. У Лайлини кўргач, ҳафсаласи пир бўлиб хилватга равона бўлди ва яқинларига қараб: «Лайли чиройли эмас экан, Мажнуннинг унга шунчалик мафтун бўлишининг сабаби нима экан?» деди. Улар: «Лайлининг гўзаллигини пайқаш учун унга Мажнуннинг кўзи билан боқиш керак!» — деб жавоб беришди.

ХУРРАМИЙ.

Форс, араб тилларидан
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.